

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ХАРАЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА АХБОРОТ
МАНБАЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ**

Акрамжон Тургунович МАМАЖОНОВ

доцент

Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти
Андижон, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада фермер хўжаликларида асосий ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили ахборот манбасининг ташкилий асосларига оид масалалар кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: иқтисодиёт, ўсимликчилик, чорвачилик, харажат, маҳсулот, таннарх, таҳлил.

**ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ ОСНОВЫ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ИСТОЧНИКОВ АНАЛИЗА ОСНОВНЫХ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ
ЗАТРАТ В ФЕРМЕРСКИХ ХОЗЯЙСТВАХ**

Акрамжон Тургунович МАМАЖОНОВ

доцент

Андижанский институт сельского хозяйства и
агротехнологий
Андижан, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы, связанные с организационной базой источника информации для анализа основных производственных затрат в фермерских хозяйствах.

Ключевые слова: экономика, растениеводство, животноводство, стоимость, продукт, анализ.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш, сақлаш ва етказиб беришни такомиллаштириш, бир тармоқ учун чиқинди ёки иккиламчи маҳсулот ҳисобланган қийматликлардан бошқа яқин тармоқ корхонаси томонидан фойдаланиш, тармоқлар ўзаро бирлашиши эвазига кўптармоқли фаолиятни ташкил этиш орқали йўқотишларни минималлаштириш, электрон қишлоқ хўжалиги стратегиясини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалигига инновацияларни киритиш орқали кам харж ва юқори самарадорликка

эришиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Дунё амалиётидаги бундай жараёнлар, бир-бирига яқин бўлган қишлоқ хўжалиги тармоқ корхоналарининг бирлашиши эвазига кўп тармоқли фаолиятнинг вужудга келиши натижасида улардаги ўзаро ҳисоб-китоб муносабатлари, шартномалар ва ички ҳужжатларни юритиш, ахборот алмашишларни ташкил қилишни ҳам шунга мослашишига олиб келади.

Республикамизда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида бу соҳада юқори самарадорликка эришиш асосий мақсад қилиб олинди. 2021 йилги давлат дастурида ҳам қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини ва самарадорликни оширишга қаратилган вазифалар белгиланган бўлиб, унга кўра “кооперациялар ташкил этилиб, уларда етиштирилган маҳсулотларни сотиб олиш, даладан бозорга етказиб бериш ва экспортни амалга ошириш тизимини жорий этиш назарда тутилади” [1]. Мазкур вазифалар мамлакатимизда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб берувчи фермер хўжаликлари томонидан маҳсулот етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, шу билан бирга экспорт фаолиятини ҳам амалга ошириш заруриятини келтириб чиқариб, бир неча тармоқ фермерларининг бирлашиб, кўптармоқли фермер хўжаликларини янада ривожлантириш заруриятини келтириб чиқаради. Шу боис, кўптармоқли фермер хўжаликларида кўзда тутилмаган харажатлар ҳисобини юритиш, дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишлар ҳамда ишлаб чиқариш захиралари бўйича ҳужжатлаштириш, тармоқ хусусиятини инобатга олган ҳолда харажатлар ҳисобини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури, 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3824-сон “Фермер хўжаликларида ҳисоб тизимини тубдан

яхшилаш ва уларга банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 27 январдаги ПҚ-4964-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари ва ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликлари асосий ишлаб чиқариш фаолиятида ўсимликшунослик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан кўзда тутилган мақсад истеъмолчиларнинг талабларини қондириш ва талабга қараб ишлаб чиқариш кўламини ривожлантириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларига таъсир қилувчи омилларнинг кўплиги ва уларнинг айримларининг фермер фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўлиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш шароитини чегаралайди. Ушбу масалада ишлаб чиқариш кўламини ошириш фермер хўжалиklarининг ички имкониятларига боғлиқ. Бундай шароитда фермер хўжалиги ўз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини тўғри белгилай олиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Фермер хўжаликларида маҳсулотлар ишлаб чиқариш харажатлари таҳлилини ташкил этишда асосий эътибор бизнес-режада мўлжалланган ҳажмнинг бажарилишини таъминлаш, белгиланган агротехник тадбирларни амалга ошириш ҳамда юқори сифатли, харидорбоп маҳсулотларнинг яратилиши унинг бевосита муҳим кўрсаткичлари бўлмиш маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи, харажатлар ҳажми, фойда ва рентабеллик, молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти, соф пул маблағларининг ҳисоботида давр охирига кўпайишини таъминловчи омилларни таҳлил қилиш ҳисобланади.

Ушбу вазифаларни бажаришда асосий эътибор харажатлар таҳлилини информацион базасини тўғри ташкил этишга ва уни аниқ белгилашга қаратилиши лозим. Чунки фермер томонидан амалга ошириладиган ишлар

деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг таннархи тўғри ташкил этилишига қаратилади. Шу туфайли ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисобга олиб бориш, ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва таҳлил қилишда харажат ва маҳсулот таннархи таҳлилини амалга ошириш бошқарув таҳлилининг муҳим вазифаларидан биридир.

Ички бошқарув таҳлилида маҳсулот таннархи алоҳида объект деб қаралиши мақсадга мувофиқ. Бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқади.

Ички бошқарув таҳлилининг марказида ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили туради. Шу сабабли асосий эътибор унинг тизимли ва комплекс шаклини йўлга қўйишдаги масалаларга қаратилади.

Бошқарув таҳлилини амалга оширишда унинг ахборот манбаи нималардан иборат бўлиши лозим деган масала асосий ва долзарб ҳисобланади. Бугунги кунда амалда бўлган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва реализация харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом»га мувофиқ маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш харажатлари таркибига кирадиган моддалар таркибини таҳлил қилиш ва ушбу харажатлар таркибини аниқлашдан мақсад қуйидагилардан иборатдир:

1. Бухгалтерия ҳисоби счётида жами харажатлар тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумотларга эга бўлиш, фермер хўжалиги фаолиятининг рентабеллиги ва бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошлилигини аниқлаш.

2. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлар таннархини аниқ ҳисоб-китоб қилиш.

3. Маҳсулот таннархига киритилмайдиган харажатларни алоҳида ҳисоб олиш ва уларни молиявий натижаларга боғланиш даражасини таҳлил қилиш.

4. Ишлаб чиқариш харажатларини юзага чиқиш жойи ва жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобга олиш ҳамда таҳлилини амалга ошириш ҳисобланади.

Юқорида келтирилган ишлаб чиқариш харажатларини бухгалтерия ҳисобида юритиш тартибидаги масалаларни ечимини топиш учун энг аввало бошқарув таҳлилининг асосий вазифаларини белгилаб олиш лозим. Фермер хўжалиklarининг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари таннархини таҳлил қилишда бошқарув таҳлилининг энг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: 1)асосий ишлаб чиқаришда харажатлар ва маҳсулот таннархига доир бошқарув таҳлилининг ахборот манбаларини аниқлаб олиш; 2)деҳқончилик ва чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш харажатларини ўрганиш ва уларнинг ҳолатига баҳо бериш, таҳлил қилиш; 3)фермер хўжалигида маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича белгиланган бизнес-режасининг бажарилиши ва динамикасини назорат қилиш; 4)деҳқончилик ва чорвачиликда ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий элементлар ва харажат моддалари бўйича ўрганиш ва уларга баҳо бериш; 5)фермер ва ёлланма ишчилар бўйича иш ҳақи билан меҳнат унумдорлиги харажатлари ўртасидаги нисбатни ўрганиш; 6)таннархнинг ўзгариш сабабларини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омилларни миқдор жиҳатидан ҳисоблаш ва ҳоказо.

«Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш ҳақида»ги Низомга мувофиқ ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг умумийлиги таъминланган. Бунинг натижасида фермер хўжалиги фаолиятини маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини режалаштириш, таҳлил этиш ва назорат қилишга имконият туғилади. Бугунги кунда фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини таҳлил қилишда бошқарув таҳлилининг асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: 1)фермер хўжалиklarининг бизнес-режа маълумотлари; 2) «Қорхона сарф-харажатлари тўғрисида»ги ҳисоботи маълумотлари; 3) «Меҳнат ҳисоботи» маълумотлари; 4)бухгалтерия ҳисобининг ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиб борувчи

бухгалтерия ҳисобининг синтетик счётлари маълумотлари; 5) фермер хўжаликлари бошқарувидаги қўшимча маълумотлар.

Фикримизча, фермер хўжалиги фаолиятида харажатларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, хўжалик жараёнларининг бажарилишини назорат қилиш тадбиркорликни самарали ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади. Назорат ва таҳлил қилиш фермерга ўз меҳнатининг натижаларини баҳолаш, ишни яхшилаш ва ишлаб чиқариш омилларини оптималаштириш мақсадида кейинчалик ўз ҳаракатларини тартибга солиш имконини беради.

Фермер хўжалиги фаолияти натижаларни таҳлил қилиш режага тезкор тузатишлар киритишга, камчиликларни бартараф этиш йўллари аниқлашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури. Lex.uz
2. Дўсмуратов Р.Д., Машарипов О.А. Фермер хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш: Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2007. – 90 б.
3. Санаев Н., Тўлаев А., Тилавов Ҳ., Санаев Ғ. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари: Дарслик. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2006. – 86 б.
4. Калонов. М.Б. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш: Иқт.фан.докт. (DSc). дисс..автореф. – Тошкент: 2019. – 56 б.